



# ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

XXI аср саҳоси Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

## Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** Оқсаройда Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Индулис Берзиньши қабул қилди.

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** мамлакатимизда биринчи бўлиб галла тайёрлаш бўйича шартнома-режасини муваффақиятли бажарган Сурхондарё вилояти галлакорларига табрикнома йўллади. Сурхондарёлик галлакорлар 224 минг 800 тонналик улкан хирмон бунёд этдилар.

● Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Индулис Берзиньш Ўзбекистон ташқи сийбасат маҳкамасида бўлди. Музокара кунинда ҳар икки мамлакат ташқи ишлар вазирилари Ўзбекистон ва Латвия ҳукуматлари ўртасида уюшган жиноятчилик, террорчилик, гиванд моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекди.

● **Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазири** Индулис Берзиньш 11 июни куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоқалар вазири Алфред Мозер раҳбарлигидаги бир гуруҳ ишбилармонлар билан учрашув бўлиб ўтди.

● **Бугун** Давлат мулк қўмитаси, бозор ислохотларини чуқурлаштириш илмий-тадқиқот институти, республика «Тошкент» фонд биржаси ва «Давинком» инвестиция фирмаси «Давлат мулк иншоотларини хусусийлаштириш жараёнига ҳоржик инвестицияларини жалб этиш» мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказди.

● **Кичик** ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

● **Кеча** бўлиб ўтган Олий Мажлисининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси йиғилишида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги ижроси, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ҳамда қўриқлашда аҳоли иштироки ва «Чегара посдонлари» жамоат тузилмаларининг ролини ошириш бўйича қабул қилинган қўмита қарорининг бажарилишига оид масалалар кўриб чиқилди.

● Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги мажлисида ҳўхалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш бўйича республика қонунчилиги бажарилишини таъминлаш борасида Хоразм вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

● Бухорода гўза парварини, галла ўрими-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиш, етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Газета 1966 йил 1 июндан чиқарила бошлаган № 71 (9.721) 2002 йил 19 июнь, чоршанба Сотувда эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### Янгиликлар, воқеалар

#### ҚИСУЛА

● **ХИТОЙ** мамлакатни ҳукуматининг юртимизга кўрсатаётган бегараз ёрдами натижасида темирйўл соҳасини ривожлантириш мақсадида Хитой элчихонаси ташаббуси билан грант шартномаси асосида маблағ ажратилди.

● **ЮНСОБОД** туман ҳокимлигида пойтахтимизнинг етакчи аёллари ва хотин-қизлар уюшмалари раҳбарлари иштирокида хотин-қизларда раҳбарлик фаолиятини шакллантириш мақсадида бағишланган семинар Тошкент шаҳар ҳоким-

лиги ва «Эл-наҳот» ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилди.

● **ОНАЛИК** ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида самарали фаолият олиб бораётган Тошкент Давлат педиатрия илмий-текшириш институти шифокорлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда сўнги 5 йил ичида бу ерда оналар ва болалар замонавий тиббий асбоб-ускуналар асосида даволанаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

● **ШУНИНГДЕК**, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар «Махалла» жамғармаси ташаббускорлигида Ақмал Икромов туманидаги «Уриқзор» маҳалласида фаоллар ишти-

роқида ўтказилган давра суҳбати оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш масаласига бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида «Реферendum якунларининг қонунчиликда акс эттирилиши» мавзусида бўлиб ўтган семинарда пойтахт олий ўқув юрталарининг ҳуқуқ соҳасидан дарс берувчи педагоглари иштирок этишди.

● **«ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ»** меҳмонхонасида шифокор-педагоглари иштирокида бўлиб ўтган «Иммунология фани муаммолари» мавзусидаги анжуман Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирилик ташаббуси билан уюштирилди.

## БУНЁДКОРЛИК

### Фарзандларимизга совға



Бугунги кунда шахримиздаги коллежларда юзлаб ўқувчилар пухта билим олиш билан бирга касб-хунар сирларини ҳам мукамал эгаллашмоқда.



носиди айни кунларда қурилиш-тиклаш, сантехника ва электромонтаж ишлари муваффақиятли якунланиб, охириги пардозлаш юмушлари олиб боришмоқда. 3-пардозлаш бошқармасининг сувқоқи, бўёқчи, дурадгор ва бошқа хунар эгалари бор маҳоратларини намойиш этмоқда.

## Ҳамкорлик самараси

Янги маҳсулот турларини яратиш, бозор талаб-эҳтиёжларини ўрганиш, ҳоржиклик ҳамкорлар билан ҳамжиҳатликда иш юритиш ҳамда замонавий технологиядан унумли фойдаланиш натижасида пойтахтимизда фаолият юритаётган «INSOF-RI» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси тадбиркорлари юқори кўрсаткичларга эришиб, ўз харидорлари сафини янада ортирмоқда.

Қўшма корхона жамоаси Россия ҳамда италиялик ҳамкорлар билан ҳам яхши алоқа боғлаган. Шу боис ҳам «Эванс» фирмасининг пост-форминг дастгоҳида престоланган тахта ҳамда Италиядан келтирилган энг сифатли пластикдан фойдаланиб турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Қўшма корхона тадбиркорлари 1997 йилда ўзининг илк фаолияти даврида столнинг тепа томини, ойна ромларининг остки қисмларини ишлаб чиқаришдан бўлса, бугунга келиб маҳсулотлар турлари ортиб бормоқда. Корхона шехарда 25 нафарга яқин малакали мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари билан замонавий-ҳоржий технология асосида барча турдаги мебеллар учун қисмлар ҳамда иморатлар учун ҳам маҳсулотлар тайёрланмоқда. Улар ўзларининг асо-

сий буюртмачилари бўлган шахримиздаги қурилиш ташкилотлари ва корхоналар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Жумладан, «12-трест» хиссадорлик жамияти, «Тошкент-Центер» қўшма корхонаси асосий буюртмачилар сирасига кирди. Шунингдек, пойтахтимиздаги қурилиш ашёлари билан савдо қилувчи замонавий дўконларда ҳам корхонада тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар ўз харидорини топмоқда.

— Пойтахтимизда ўтказилаётган ярмаркалардаги фаол иштирокимиз ҳам харидор таллабини ўрганишга, бозорбоп маҳсулот турларини яратишда бизга ёрдам бермоқда, — дейди корхона директори Ирина Сағдуллаева. — Йилдан йилга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Утган йилда 130 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик. Бу аввалги йилгидан икки баравар кўндр. Жорий йилда ҳам буюртмаларимиз кўп. Шу боис ҳам 160 миллион сўмлик харидорлар ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни режаллаганимиз.

«Эванс» фирмасининг пост-форминг дастгоҳида тайёрланаётган маҳсулотлар республикамизнинг барча вилоятларида харидорлар бўлиши билан бирга, келгусида уларни

Россия Федерацияси ва бошқа қўшни давлатларга экспорт қилиш режаси ҳам қўзда тутилган. Албатта бунинг учун корхона тадбиркорларини сифатга эътибор қаратиб, ҳар бир буюртмани қўнғилдаидек адо этиш билан бирга, янги-янги маҳсулот турларини яратиш борасида ҳам изланишмоқда. Айниқса, дизайнер Алексей Вислобоковнинг доимий изланишлари, ана шу асосда моҳир ишчилар Тохир Ашуров, Дониёр Турсунов, Михаил Полянскийларнинг сидқидилдан меҳнатлари импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашда самара берапти. Шунингдек, меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишида ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар, бепул тушлик, дам олиш учун қулайликлар, йўл ҳақининг корхона ҳисобидан тўланиши муҳим ҳисса бўлмоқда.

Тадбиркорлар барча имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз маҳсулотлари билан ҳар бир хондонга кириб бориш, мухташам иморатлар қурилишига фаол ҳисса қўшиш ниятида меҳнат қилишмоқда. Зеро бугунги ҳаракат, албатта эртанинг баракаси бўлишини улар жуда яхши англайдилар. Шу боис ҳам ҳоржиклик шериклар билан ҳамкорликни ҳам мустаҳкамлашмоқда.

Дилноза ГИЁСОВА

— Яқин кунларда фойдаланишга топшириладиган ушбу билим маскани фарзандларимизга ажойиб совға бўлишини дилдан ҳис этиб меҳнат қилаяликми, — дейди буюкчилар бригадаси сардори Абдурахим Душанов. — Шу боисдан ҳам пардоз ишларида сифатга алоҳида эътибор қаратайликми. Ишонганимиз, ушбу даргоҳдан келажақда қўли гул хунар эгалари етишиб чиқади.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: дурадгор Маъмур Маққомов; коллеж биноси; Тохир Нигматуллин олган суратлар.

Хабар берганимиздек, ўтган акшанба кунини Тошкент теннис марказида Sapex WTA Tour туркумига кирувчи «Тошкент оупен» халқаро аёллар турнирининг финал баҳси бўлиб ўтди ва унда илк бор швейцариялик теннисчи Мари Гаяне Микаэлян галиб чиқди.

Куйида биз муштариларимизни Микаэлянинг теннис оламидаги қисқача ҳаёт йили билан таништириб ўтганимиз ва хайрли оdatимизга кўра у билан ўтказган суҳбатимизни ҳавола эта-миз.

**МАХСУС «ОҚШОМ» УЧУН**

**Мари Гаяне МИКАЭЛЯН:**

**«Тошкент менга бахт келтирди»**

Бизнинг маълумот: Мари Гаяне Микаэлян, 1984 йили Швейцарияда таваллуд топган. Ҳозирда Энсе шаҳрида истиқомат қилади. Бўйи — 1 метр 72 сантиметр. Ун қўли билан ўйнайди. Бугунги кунда яқка тартибдаги энг юқори рейтинг — 53. Энг яхши натижалари — 2001 йили Базелдаги мусобақа финалчаси, ўтган йилги «Тошкент оупен» турнирида ярим финалга чиққан. Аёлларнинг профессионал мусобақаларида тўрт йилдан буюн қатнашди. Натижалари йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

— Мари, сизни юксак муваффақиятга эришганлигингиз билан табриклаймиз.

— Раҳмат.

— Турнирга қандай кайфиятда ташриф буюрдигингиз? Галаба қозонишингизни олдиндан сезганидингиз?

— Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, ўтган йили Тошкентда ҳаётимдаги илк юқори натижалардан бирига эришганим — яқка тартибда ярим финалга йўлланма олиб, кескин ва муросасиз баҳсдан сўнг бўлгуси турнир галибига учрашувни бой берганим. «Тошкент оупен» — 2001» да қучли тўртликка кирганим сабабли ўшанда рейтинг рақамим 253 дан 175 га етди. Шу сабабдан бу йилги мусобақаларга ҳам ҳуш кайфиятда келдим. Турнир давомида уйиним тобора очилиб галаба қозонишга муваффақ бўлдим. Тошкент кортларига менга бахт келтирилганидан жуда

яхши кайфият бағишлайди.

— **Айтингчи, Швейцария теннисчиларининг кейинги пайтлардаги юқори натижаларига нима нарча омил бўлмоқда?**

— Шубҳасиз, «Теннис маликаси» Мартина Хингиснинг муваффақиятлари Швейцарияда аёллар теннисининг ривожига катта туртки бўлди. Ҳозир жойларда кўпга ёш, умидли теннисчилар етишиб чиқмоқда.

— **Ўзбекистонлик қайси теннисчиларни яхши биласиз?**

— Ирода Тўлаганова билан кўп йиллик қадрдонимиз. Дўстлигимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Турнирларда унинг отаси билан ҳам мулоқотда бўлганман.

— **Шахримиз билан танишишга улгурдингизми?**

— «Шарқ машъали» номини олган Тошкентга иккинчи маротаба келган бўлсам-да афсуски ҳали ҳам унинг бутун гўзалликлари, замонавий иншоотлари билан тўла танишишга муваффақ бўлмадим. Бирок, менда спортни яхши тушунувчи ўзбекистонлик серзавқ ишқибозлар илқ таассурот қолдирди.

— **Келажаққа мўлжалланган режаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.**

— Келаси ҳафтада Уимблдон турнирида қатнашишга отланман. Сўнг АҚШда ўтадиган барча мусобақаларда иштирок этман.

— **Мароқчи суҳбат учун ташаккур. Яна кўпмак мусобақаларда галаба қозонишингизга тилақдошимиз.**

— Ирода Тўлаганова билан кўп йиллик қадрдонимиз. Дўстлигимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Турнирларда унинг отаси билан ҳам мулоқотда бўлганман.

— **Шахримиз билан танишишга улгурдингизми?**

— «Шарқ машъали» номини олган Тошкентга иккинчи маротаба келган бўлсам-да афсуски ҳали ҳам унинг бутун гўзалликлари, замонавий иншоотлари билан тўла танишишга муваффақ бўлмадим. Бирок, менда спортни яхши тушунувчи ўзбекистонлик серзавқ ишқибозлар илқ таассурот қолдирди.

— **Келажаққа мўлжалланган режаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.**

— Келаси ҳафтада Уимблдон турнирида қатнашишга отланман. Сўнг АҚШда ўтадиган барча мусобақаларда иштирок этман.

— **Мароқчи суҳбат учун ташаккур. Яна кўпмак мусобақаларда галаба қозонишингизга тилақдошимиз.**

## Мазмунли ўтади

**Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида 1-курс мураббийларнинг семинари бўлиб ўтди.**

Унда университетнинг фундаментал ва ижтимоий-гуманитар таълим институти директори, профессор М.Ибодуллоев, маънавият ва маърифат бўлими ва бошқаруви, доцент М.Қорахужаева ва 1 курс мураббийлар кенгашининг раиси, профессор Н.Ғуломовнинг талабаларнинг турар жойларидаги бўш вақтини мазмунли ўтказиш, тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг илгор усуллари ҳамда бўш вақтни ташкил этишда мураббий ўқитувчиларнинг вазибалари мавзусидаги маърузалари тингланди.

Бўлиб ўтган маъруза, баҳс, мунозараларда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида қўйилган вазибалардан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия ишлари талабалар бўш вақтининг, маънавият бўлими ва бошқаруви, доцент М.Қорахужаева ва 1 курс мураббийлар кенгашининг раиси, профессор Н.Ғуломовнинг талабаларнинг турар жойларидаги бўш вақтини мазмунли ўтказиш, тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг илгор усуллари ҳамда бўш вақтни ташкил этишда мураббий ўқитувчиларнинг вазибалари мавзусидаги маърузалари тингланди.

Бўлиб ўтган маъруза, баҳс, мунозараларда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида қўйилган вазибалардан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия ишлари талабалар бўш вақтининг, маънавият бўлими ва бошқаруви, доцент М.Қорахужаева ва 1 курс мураббийлар кенгашининг раиси, профессор Н.Ғуломовнинг талабаларнинг турар жойларидаги бўш вақтини мазмунли ўтказиш, тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг илгор усуллари ҳамда бўш вақтни ташкил этишда мураббий ўқитувчиларнинг вазибалари мавзусидаги маърузалари тингланди.

## ФУТБОЛ

### Нимчорак финал баҳслари тугади

**Жанубий Корея ва Японияда давом этаётган футбол бўйича XVII жаҳон чемпионатининг нимчорак финал беллашувлари ҳам ишқибозлару мутахассисларга қутилмаган натижаларни тўхфа этди.**

**ЎТГАН КУНИ**

яшил майдонга дастлаб Мексика ва АҚШ терма жамоалари футболчилари тушишди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бир-бирлари билан кўп бора учрашган китъадош бу жамоаларнинг баҳсида АҚШ футболчиларининг устунлиги сезилиб турди. Тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этган америкаликлар рақиблар дарвозасини икки марта аниқ нишонга ола билдишди. Мексикаликларга мағлубият келтирган ушбу голларни дарвозага Брайан Макбрайд ва Ландан Данованлар киритишга муваффақ бўлишди. Шу кунини бўлиб ўтган Бразилия — Бельгия термалари учрашуви ҳам ишқибозларда катта қизиқлиш уйғотгани табиий. Чунки ҳар икки терма жамоа вакиллари галаба учун астойдил ҳаракат қилишди. Аммо Ривалдо ва Роналдолар томонидан дарвозага йўлланган иккита гол бразилияликлар галабасини таъминлади.

**КЕЧА**

ўтказилган Япония — Туркия ва Жанубий Корея — Италия терма жамоаларининг беллашувлари нимчорак финал ўйинларига яқун ясади. Аввало, Япония — Туркия футболчилари ўртасидаги учрашув нияҳтада кескин ўтганлигини таъкидлаш жоиз. Чунки ҳар икки жамоа галаба учун астойдил интилишди. Ишқибозлар ҳар икки дарвоза олдида тез-тез содир этилган хавфли вазибаларнинг гувоҳи бўлишди. Аммо 12-дақиқада моҳир футболчи Умит Давана томонидан дарвозага йўлланган гол Туркия терма жамоасининг галабасини таъминлади. Энди чорак финалда туркиялик футболчилар курашини давом эттиришади. Шунингдек нимчорак финалнинг сўнги Жанубий Корея — Италия терма жамоалари баҳсида қутилмаган натижа қайд этилди. Галаба сари интилиб тезкор ўйин намойиш этган ҳар икки жамоа учрашувининг асосий вақтини 1:1 ҳисобида якунлашди. Аммо қўшимча вақтда италияликлар дарвозасини ишғол этиш майдон эгаларига насиб этди. Ва ўйин 2:1 ҳисобида якунланди.

Чорак финал учрашувлари 21 июндан бошланади.

## Жаҳонда

● **Бугун** Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай мамлакат ўтиш ҳукуматининг таркибининг эълон қилиши керак.

● Яқин вақт ичида Афғонистон Оксиколлар Кенгаши — Лойя-Жирганинг ҳар бир аъзосига шахсий қўриқчи берилди.

● **Кеча** Қуддусда ўз йўналиши бўлиб кетаётган автобусда портлаш содир бўлди. Шу жойнинг ўзидек 17 киши ҳаётдан кўз юмди, яна уч киши касалхонада вафот этди. Жами бўлиб ўзини ўзи ўлдирувчи террорчининг портлашидан 60 киши, шу жумладан бир қанча бола жабрданди.

● **Кеча** Калифорнияда ўрмонда содир бўлган ёнғинларни ўчиришда қатнашаётган самолёт ҳалокатга учради. Экипаж аъзолари ҳалок бўлишди.

● Америкалик ҳарбийлар Кубадаги Гуантанамо базаси лагерига яна 34 асирни олиб келдилар. Ҳарбийларнинг вакили хабар қилишича, Гуантанамода сақланаётган толибларнинг умумий миқдори 536 кишини ташкил этади. Ҳозирги пайтда Афғонистон ҳудудида яна 130 га яқин толиб ҳибсда ушлаб турилибди. Бироқ уларнинг бирортасига ҳам хозирча ҳеч қандай айбловлар қўйилмаган.

● АҚШнинг Карачи шаҳридаги консуллик биноси ёнида содир этилган портлаш оқибатида 11 киши оламдан кўз юмди. Бир неча киши оғир жароҳат олиб, шифохоналарда ётибди. Шу муносабат билан АҚШ ҳукумати ўзининг Исломободдаги элчихонаси ва Покистон ҳудудидаги барча консуллик идоралари фаолиятини тўхтатди. Сабоб — Америка дипломатик миссиясига қарши қаратилган террорчилик ҳаракати яна такрорланишидан сақланишдир.

● Жазиорада янги коалицион ҳукумат ташкил топди. Бу ҳақда Ливан радиостанцияси Жазиора Президенти маҳкамаси баёнотида асосланиб хабар берди. Ҳукуматни Миллий овоздлик фронти партиясининг етакчиси Али Бен Флис бошқармоқда.

● **Бугун** Американинг «Эндевор» космик кемаси Флоридадаги космосдорга қўнғун учун навбатдаги уринишини қилиб кўради. Об-ҳавонинг ёмонлашганлиги икки кундан бери кеманинг қўнғунига монелик қилмоқда. Кема бортида америкалик икки астронавт — Карл Уолс ва Дэниэл Берш ва россиялик космонавт Юрий Онуфриенколар бор.

● Хиндистонда Шанкар халқаро болалар мусобақасининг 2001 йил расмлар танлов натижалари маълум қилинди. Танлов якунларига биноан, ўзбекистонлик уч нафар ўқувчи расмлар танловига мусобақанинг олий мукофоти, етти нафари эса чизган расмлари учун қумуш медал совриндори бўлишди.

● Австрия пойтахти Венада ўтказилган турнир финалида ўйнаган ўзбекистонлик теннис маликаси Ирода Тўлаганова ўз фаолияти давомида илк бор 1349 очко жамғариб, 16-ўринга кўтарилиди.



